

Сийдикдан покланмаслик



11:30 / 18.12.2018 7309

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

«Либосларингизни пок тутинг» (Муддассир сураси, 4).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: **«Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам икки қабр ёнидан ўтдилар-да: «Бу иккиси (яъни, қабрдагилар) азобланмоқда. Гуноҳи кабира сабабли азобланаётганлари йўқ. Ҳа, у гуноҳи кабирадир. Улардан бири чақимчилик қилиб юрарди, бошқаси эса сийдигидан сақланмасди», дедилар»** (Бухорий, Муслим ва бошқалар ривояти).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Қабр азобининг кўпчилиги сийдик сабабли бўлади. Бас, сийдикдан пок бўлинглар!»** (Дориқутний ривояти).

Кимки бадани ва кийимларини сийдикдан пок сақламаса, унинг намози мақбул бўлмайди.

Ҳофиз Абу Нуаъим «Ҳилъа» китобларида Шафий ибн Матиъдан ривоят қилади: «Тўрт тоифа кимсалар ўзи азобланаётган дўзах аҳлига яна озор берадилар. Улар «Ҳамим» (қайноқ сув) ва «жаҳим» (дўзах олови) орасида сарсон бўладилар, ўзларига ўлим ва ҳалокат тилайдилар. Дўзах аҳли бир-бирларига: «Буларга нима бўлганки, ўзимиз азобланаётганимиз етмаганидай, яна бизга озор беришяпти?» дейишади. Улардан бири чўғдан бўлган тобутга қамалган бўлади. Бошқаси ичак-чавоқларини тортаётган бўлади. Яна бирининг оғзидан йиринг ва қон оқаётган бўлади. Ва охиргиси ўз гўштини еяётган бўлади. Тобутдаги кишига: «Бунга нима бўлганки, ўзимиз азобланаётган бўлсак-да, бизга озор берди?» дейилади. Айтадики: «Бу киши ўлиб, бўйнида одамларнинг моли қолганда, унга вафо қилмаган». Кейин ичак чавоғини тортаётган кимсага: «Бунга нима бўлганки, ўзимиз азобланаётган бўлсак-да, бизга озор берди?» дейилади. Айтадики, бу киши сийдик қаерига тегаётганига парво ҳам қилмасди, ўша ерини ювиб ҳам ташламасди. Сўнг оғзидан йиринг ва қон оқаётган кимсага: «Бунга нима бўлганки, ўзимиз азобланаётган бўлсак-да, бизга озор берди?» дейилади. Айтадики, бу киши ҳар бир фаҳш ва уятсиз сўзларга назар солиб (ешитиб), ундан роҳатланарди, беҳаёликдан лаззатланарди. Охири гўштини еяётган кимсага: «Бунга нима бўлганки, ўзимиз азобланаётган бўлсак-да, бизга озор берди?» дейилади. Айтадики, бу киши ғийбат қилиб одамларнинг гўштини ер ва чақимчилик қилиб юрар эди».

Аллоҳдан афв ва офият сўраймиз. Албатта, У раҳмлиларнинг раҳмлироғидир.

“Гуноҳи кабиралар” китобидан